

КОСМОСНИ ЗАБТ ЭТИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 205 (4196). | ПАЙШАНБА 16 октябрь, 1969 йил | Баҳоси 2 тийин.

БУТУН ЖАҲОН КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ПАРВОЗИНИ ЗҲР ЭЪТИ- БОР БИЛАН КУЗАТМОҚДА

ТАСС АХБОРОТИ

Ичига етти космонавт тушган уч Совет космик кемаси
группа бўлиб парвоз қила бошлаганига бир суткадан ошди.
1969 йил 14 октябрь Москва вақти билан соат 16 гача
«Союз-6» космик кемаси Ер атрофини айланиб, «Союз-7»
кемаси ўттиз тўрт марта ва «Союз-8» кемаси ўн саккиз марта
айланиб учди.

Уччала космик кема экипажлари биргаликда ўча бошлаган-
ларининг иккинчи куни бошланган пайтда бошқарувнинг
автомат ва қўл системаларини текшириб чиқдилар.

Қош қорайиш пайтда ва Ер соясида оптик назардан фой-
даланиб кемани қўлда мулкжал олдириш имкониятини аниқланди.
Сезгир датчиклардан ва жойида вертикал ҳосил қиладиган
асбобдан фойдаланиб, кемани тезлик вектори бўйича қўлда
мулкжал олдириш системасининг нақадар аниқ ишлаши текши-
риб қилинди.

Кемаларнинг космонавтлар ишайидаги бўлмаларидаги ҳаво
босими симоб устунининг 790—820 миллиметрлик кўрсатки-
чи турди. Харорат — цельсий билан 20—24 градус. Нисбий
намлик 54—57 процент.
Уччала космик илмий лаборатория яқин ҳамжиҳатлик қу-
ришда ягона планга мувофиқ илмий тадқиқот ишларини бажари-
шни давом эттирмоқда.

Космонавтлар группасининг янги иш куни жуда эрта яъни
Москва вақти соат 5 дан 30 минут ўтганда бошланди. Кос-
монавтлар ўйкуга мириқиб, кайфиятлари яхши бўлиб уйга-
нишди. Экипаж аъзолари жисмоний машқлар комплексини
бажариб бўлиб, медицина контролидан ўтганларидан кейин ке-
маларнинг бўлмаларидаги ўзларининг иш жойларини эгаллаб,
учиш программасини бажаришга киришдилар.

«Союз-6» кемасининг командири Г. С. Шонин билан
«Союз-7» кемасининг командири А. В. Филиппенко бўлмалар-
даги харорат, ҳавонинг босими ва таркиби тўғрисида контроль
асбобларини кўрсаткичларини ёзиб олиб, группа бўлиб учиш
чотидаги биргаликда бажариладиган илмий-техникавий экспе-
риментларини ўтказишга тайёр эканликлари тўғрисида группа
командири В. А. Шаталовга рапорт бердилар.

Москва вақти билан соат 6 дан 50 минут ўтганда кемалар
Совет Иттифоқи территориясида ўрнатилган кузатиш стан-
цияларидаги радио станциялар пайқайдиган зонага кирдилар
ва учинчи бошқариш маркази билан алоқа боғландилар.

Космонавтлар ишюшта қилиб бўлгач, илмий-техникавий
экспериментлар ўтказишга киришдилар.

Программага кўра, яқин соатлар ичига экипажлар тоғлиқ
районларидаги Ер юзасининг айрим участкаларини кузатиб чи-
қишлари, Тинч океан ва Атлантик океан тепасида бўлган бўл-
ган булузлар ва гидробларнинг тарқалишини кўздан кечириш-
лари, ўрмонзорлар ва чўллаларнинг қайчалик акс эттира олиши-
ни тадқиқ қилишлари керак.

Космонавтлар ўзларини жуда яхши хис қилмоқдалар ва
тетик сезмоқдалар.

Соат 8 га қадар «Союз-6» кемаси Ер атрофини 61 марта,
«Союз-7» кемаси 45 марта ва «Союз-8» кемаси 29 марта ай-
ланиб чиқди. Группа бўлиб учиш давом этмоқда.



Космодромда. Космонавтлар (чапдан ўнган): Валерий Кубасов, Георгий Шонин, Алексей Елисеев, Владимир Шаталов, Анатолий Филиппенко, Влади-
слав Волков ва Виктор Горбатко космосга учиш олдидан журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришда.
Г. ОСТРОУМОВ, «Известия» газетасининг махсус фотомухбири.

БУТУН КУЧ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА!

ХАР КУН, ХАР СОАТ ҒАНИМАТ • ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ҒАЙРАТ КЎРСАТАЙЛИК
• МАШИНАЛАРНИНГ ТЎХТОВСИЗ ИШЛАШИГА ЭРИШАЙЛИК • ОБЛАСТИМИЗНИНГ 356 МИНГ
ТОННАЛИК ХИРМОНИГА ҲАММАМИЗ ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚўШАЙЛИК.

ОБЛАСТЬ «ХУРМАТ ТАХТАСИ» ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Тошкент область партия комитети ва область ижроня ко-
митети «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»
газеталари саҳифаларида область «Хурмат тахтаси»
ни таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу
«Хурмат тахтаси»га пахта, сабзавот, полиз экинлари ва кар-
тошка тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарган илгор
колхозлар, совхозлар, совхозларнинг бўлим ва участкалари
ёзилдилар.

«Хурмат тахтаси»га область кишлққ хўжалиги, статистика
бошқармалари ва совхозлар трестларининг тавсиялари билан
ёзилди.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ МУКОФОТЛАНДИЛАР

Шу кунларда Тошкент об-
ласть кишлққ хўжалиги ва тайёр-
лов ҳамда область кишлққ хў-
жалиги бошқармаси ишчи-хизмат-
чилари касба союзи комитети пре-
зидиуми йиғим-терим ишларини
жадаллаштириш, илгорларни касба
союзи ташкилоти йўли билан
рағбатлантириб туриш юзасидан
зарур тадбирларни амалга ошири-
моқда. Бу диққат-этиборга са-
овордир.

Яқинда касба союзи комитети
президиуми сентябрь ойи учин-
чи кунлигида йиғим-теримда
акойиб ютуқларни қўлга кирит-
ган Бекобод районидаги илгор
«Ленинград» совхозини
фахрий ёрлиқ билан мукофот-
лади. Шу билан бирга 185 сўм
40 тиғинлик магнитофон берди.
Пахтани тез теришда ва давлат-
га топширишда юксак кўрсат-
киларга эришган урта Чирчиқ
районидagi Охунбобоев номили
колхоз ҳам область кишлққ хў-
жалиги ва тайёрлов ҳамда об-
ласть кишлққ хўжалиги бошқар-
маси ишчи-хизматчилари касба
союзи комитетининг Фахрий ёрли-
ги ва магнитофон билан муко-
фотланди.

Касба союзи комитети октябрь

ойининг биринчи ўн беш кун-
лигидаги мусобақа якуни-
ларини кўриб чиқиб, область
касба союзи комитетининг кўма-
қида байроғини Оққўрғон рай-
онидagi «Заря коммунизма» кол-
хозига беришга қарор қилди.
Бу колхоз оқтибнинг 15 кунли-
гида пахта тайёрлашда 72,82
процент, шу жумладан машина
теримида 81,11 процент ўсишга
эришган. Шу билан бирга бу
колхоз Фахрий ёрлиқ ва магни-
тофон билан мукофотланди.

ИЛҒОР КОЛХОЗНИНГ ПЕШҚАДАМ БРИГАДАСИ

Яқинда Урта Чирчиқ райони-
даги Охунбобоев номили колхоз
аъзоларининг йиллик планини
25 октябргача бажаришлари
тўғрисидаги тадбирларини газе-
тада босиб чиқарган эдик.
Колхозчилар ўзларининг ана
шу сўзларининг ўстидан чиқиб
учун ҳар қандай об-ҳаво шаро-
итида ҳам пахта териш ва
топширишни бўшаштирмайтир-
лар. Кеча колхозда яна бир

Х А Ш А Р

Шаҳарлик, Районлик — ҳамма ҳашарда,
Ҳашар завқи кезар қонларда
бу кун.
Ким бизни эл ўғли санар,
агарда
Енгил қилмасак пахтакор
юқин.
Пахтазор товланиб ётибди
ошпоқ,
Чексиз уфқларда қумуш
ёлқини.

Далалар бағрига йўл олгини
уртоқ,
Қалбнигини ёритгай пахта еркини.
Бойлик бодраб чиқди ернинг
мағзиндан,
Меҳру муҳаббатнинг эҳсонини
нисол.

Унинг салобати, унинг вазидан
Дилларда қувончу, тилларда
мақол.
Сафарбарлик ҳисси ҳоқимидир
ҳарён,
Муқаддас жабҳада Ватанингни
қўзи.
Йўлларда ададсиз марварид
карион,
Кўзларини эркалар чаман
юлдузи.
Барқут фаслимизнинг хосияти
қўп,
Ундан миннатдормиз, айтаемиз
тахсини.

Бироқ ногаҳона қуёшни бўғиб,
Булузлар бошлайди жалалар
бақсин.

Дамларини ғанимат билган
ватандош,
Хирмон тақдирла яшаган
нисол,
Ҳар чаноқ бошида бўлганда
қуёш,

Имтиҳонларини ҳам этил
имтиҳон.
Қўшиқлар янграйди. Қиз-
инитлар шод,
Терим шавқи билан улғаяр,
яшар.

Пахтакор хазина этади бунёд,
Енида ёнма-ён боради ҳашар.
Кемалар сузади мовиқ
денгизда.

Мардлар чўққиларга иштиллар
ҳар зум.
Боғлар тилларангга чўлганган
кезда,

Водийда барқ урар нурли
табассум,
Бу — Ватан бойлиги, меҳрингиз
бу,

Бир мисқол қолдирмай йиғмоқ
— ақдиниз,
Ўзбек шарафини акс этган
кўзгу —

Беҳад хирмонлардир кўрку
бахтимиз,
Жуманиёз ЖАББОРОВ.

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
15 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун —
бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан
бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада
теришгани, бешинчи стун — мавсум бошидан
бўён машинада терилгани.

Оққўрғон	—	53,19	—	48,53
Янгийўл	0,36	49,95	0,26	28,70
Урта Чирчиқ	0,04	41,16	0,02	28,00
Оржоникидзе	0,12	35,54	—	28,50
Бекобод	0,38	30,62	0,33	11,41
Бўка	0,21	30,26	0,16	19,08
Юқори Чирчиқ	0,03	29,16	0,04	31,00
Область бўйича	0,18	40,71	0,12	29,31

тонна уғун

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ. Жданов номили
колхозда М. Дадажонов, О
Турсунова, Х. Реймбердиева,
Р. Очилова ўртоқларининг но-
лари ҳурмат билан тилга олина-
ди. Бу чеварларнинг ҳар бири

кунига 150—180 килограммдан
пахта терияпти. Колхоз пар-
тия ташкилоти чеварларнинг
тажрибасини кенг ёйиб, умумини
юксалишга эришишга эътибор
бермоқда.

Ш. Мамарасулов.

ЧИНОЗ. Охунбобоев номили
колхозда ака-ўка Анвар ва Сар-
вар Шохбабобоев илгор эвено-
ларга бошчилик қилмоқда. Улар
В. И. Ленин туғилган кунининг
100 йиллиғини меҳнат галаба-
лари билан аниқлашга ҳара-
кат қилиб, ўзлари ишлаётган
эвеноларда пахта тайёрлаш
планини 15 иш кунда бажари-
шга қарор қилганлар.
Г. Юсулов.

ТҒИТЕПА. Акмал Икромов
номли колхозининг Қ. Сатторов,
Х. Мавлонов, Н. Турдубоев
бошчи эвеноларда йиғим-терим
кўзгини қувдалди. График
иқни-уч баробар бажаришмоқда.
Бу ердан ишчи кўчаларининг
ҳаммаси теринга тўла сафар-
бар этилган.
Х. Норкулов.

ҚҲРИҚ ЕРДА МҲЛ ҲОСИЛ

«Лешанбод» колхозининг
Турсункул Холбоев бошлиқ
эвено аъзолари эрта баҳорда
фойдаланилмаган ётан бўз ер-
лардан 30 гектарини ўзлашти-
риб, барака уруғи қадаган эди-
лар. Янги ерда ишлаш оғир
бўлди. Лекин илгорлар тақри-
баси ва агротехника қоидалари-
га таяниб иш кўрган бўз ерини
лар мўл ҳосил етиштирдилар.

Эвенода йиғим-теринга катта
ҳозирлик билан киришди ва
«загнорга кема»лардан умумини
фойдаланишга ҳаракат қилин-
ди. Эвено бошлиғи Т. Холбоев
ва унинг ҳамкасбларидан Аб-
дуллага Тожибоев, Қўқор Қани-
мовларнинг ғайрати туғайди
йиллик план қисқа муддатда эри-
шилди. Давлатга 45 тонна
пахта топширган голиб пахта-
корлар яна 10 центнердан «оқ
олтин» етказиб беришга аҳд
қилдилар.

Т. ҚОСИМОВ,
Бўка райони.

РАЙОНЛАРДА ШОЛИ ЎРИШНИНГ БОРИШИ

15 октябрга қадар областда
шולי ўриш плани 4,8 процент
миқдорда бажарилиди. Шу
жумладан Янгийўл райони —
9,7, Оққўрғон — 7,0, Бўка —
7,0, Калинин — 6,2, Бекобод —
4,6, Юқори Чирчиқ — 3,5, Урта
Чирчиқ — 0,7 процент. Ор-
жоникидзе, Бўстонлиқ районла-
рида шולי ўришга киришил-
гани йўқ.

О Р Б И Т А Д А — «ИНТЕРКОСМОС-1»

Космик фазони тадқиқ қилиш
ва ундан тинчлик мақсадлари-
да фойдаланиш соҳасида соци-
алистик мамлакатларнинг ҳамкор-
лик программасига мувофиқ
1969 йил 14 октябрда Совет
Иттифоқида Ернинг сўнгий
йўлдоши — «Интеркосмос-1»
учириди.

Йўлдош «Интеркосмос-1» Қу-
ёшнинг ультратяғнаш ва реңг-
ген нурланшларини ҳамда
бу нурланшларининг Ернинг
юқори атмосферадан структур-
сига таъсирини тадқиқ қилиш
учун мулкжалланган.

«Интеркосмос-1» йўлдошини
учириш чоғида Болгария Халқ
Республикаси, Венгрия Халқ
Республикаси, Германия Демок-
ратик Республикаси, Польша
Халқ Республикаси, Руминия
Социалистик Республикаси, Со-
вет Социалистик Республика-
лари Иттифоқи, Чехословакия
Социалистик Республикасининг
космосни тадқиқ этиш соҳаси-
даги ҳамкорлик билан шуғу-
ллануви миллий координация-
лаш органларининг раҳбарлари
ҳозир бўлишди.



